

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус
таълим вазирлиги**



Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

РЕФФЕРАТ

МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК

Бажарди: ЕКП– 83 гуруҳ талабаси
Рахматуллаев Ж.
Қабул қилди: Халилов. М

Тошкент – 2012

МАВЗУ: ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ ВА МИЛЛИЙ БОЙЛИК

РЕЖА:

- 1. Иқтисодий ҷсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари**
- 2. Иқтисодий ҷсишнинг омиллари**
- 3. Иқтисодий ҷсиш моделлари**
- 4. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши**
- 5. Ўзбекистонда иқтисодий ҷсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари ва натижалари**

1. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари

Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар (реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Шунга кўра, иқтисодий ўсишнинг барча тавсифи йиллик ўсиш суръатларининг фоиздаги ўлчовида тўлиқ ўз ифодасини топади:

$$\checkmark C = \frac{ЯИМ_{жорий давр} - ЯИМ_{базис давр}}{ЯИМ_{базис давр}} \times 100\% ,$$

бу ерда:

$\checkmark C$ – иқтисодий ўсиш суръати, фоизда;


$ЯИМ_{базис давр}$ – таққосланаётган давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми;

$ЯИМ_{жорий давр}$ – жорий давр (йил)даги реал ЯИМ ҳажми.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислохотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилдаги даражага нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишда ўсишига эришилди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни ташкил этди (17.1-чизма).

17.1-чизма

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Иқтисодий ўсиш суръатлари «саноатда 12,7 фоизни, жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 17,7 фоизни ташкил этди, хизмат кўрсатиш ҳажми 21,3 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг бошқа муҳим тармоқлари ҳам барқарор суръатлар билан ривожланди: қурилиш – 8,3 фоиз, транспортда юк ва йўловчи ташиш ҳажми – 10,2 фоиз, савдо соҳаси – 7,2 фоизга ўсди»¹.

Мамлакатимизда 1997-2008 йиллар давомида номинал ЯИМнинг қиймати, реал ЯИМнинг ўсиш суръати ҳамда унинг аҳоли жон бошига ўсиши тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (17.1-жадвал).

Шунингдек, иқтисодий ўсиш мамлакат ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиб боришини ҳам англатади. Миллий ишлаб чиқариш натижаларининг миқдор жиҳатидан кўпайиши ва сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши пировардида ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ўнг томонга қараб силжишига олиб келади.

17.1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

Йиллар	Кўрсаткичлар		
	Номинал ЯИМ, млрд.сўм	Реал ЯИМнинг ўсиш суръати, %	ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши, %
1997	976,8	5,2	3,3
1998	1416,2	4,4	2,6
1999	2128,7	4,3	2,8
2000	3255,6	4,0	2,5
2001	4868,4	4,2	3,1
2002	7469,3	4,2	3,2
2003	9664,1	4,4	3,2
2004	12189,5	7,7	6,5

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 15-б.


2005	15923,4	7,0	6,0
2006	20759,3	7,3	6,2
2007	28186,2	9,5	8,0
2008	36839,4	9,0	-

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Айтайлик, 2008 йилдаги миллий ишлаб чиқариш ҳажми (Y_{2008}) 2000 йилдаги (Y_{2000})га нисбатан ўсди. Бу ўсиш ўз навбатида миллий ишлаб чиқариш имкониятлари эгри чизигининг ҳам кенгайишига олиб келади (17.2-чизма).

17.2-чизма

Иқтисодий ўсиш натижасида миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши



Чизмадан кўринадики, иқтисодий ўсиш натижасида ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот миқдори ортади, бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига олиб келади. Иқтисодиёт мавжуд эҳтиёжларни янада тўлароқ қондириш имконига эга бўлади.

Иқтисодий ўсишнинг аҳамияти тўғрисида гапирилганда унинг даражасини ҳам эътиборда тутиш лозим. Иқтисодий ўсиш суръатларининг аҳамиятлилик даражаси турли мамлакатлар реал ЯИМнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда фарқланади. Реал ЯИМ ҳажми нисбатан кичик бўлган мамлакатлар учун 8-10% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати меъёрдаги ҳолат саналиши, реал ЯИМ ҳажми жуда катта бўлган мамлакатлар учун 2-3% даражасидаги иқтисодий ўсиш суръати эса аҳамиятли кўрсаткич ҳисобланиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш суръатининг аҳамиятини иқтисодчилар томонидан қўлланилувчи «**70 миқдори қондаси**» ёрдамида ҳам очиб бериш мумкин. Бу қоидага кўра, миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган ЯИМ ҳажмини 2 бараварга оширишда қанча вақт талаб этилишини аниқлаш учун 70 сонини йиллик ўсиш суръатига бўлиш керак бўлади. Масалан, мамлакатимиздаги ўсиш суръатининг 9% даражасида ЯИМни 2 баравар ошириш учун 7,7 йил талаб этилади (70:9). Холбуки, иқтисодий ўсишнинг 2000 йилдаги 4,0%

даражасида бу кўрсаткичга 17,5 йилда (70:4) эришиш мумкин эди. Кейинги йилларда иқтисодий ўсиш суръатининг янада оширилиши бу муддатнинг аҳамиятли равишда қисқаришига олиб келади.

Ижтимоий маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интенсив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айталик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун ишлаб чиқариш омиллари миқдори икки баробар кўпайтирилиши лозим, содда қилиб айтганда мавжуд корхоналар билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати, ишчи кучининг сони ва малака таркиби бўйича худди ўшандай яна корхоналар қурилиши лозим. Экстенсив ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш, янада илғор ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади.

Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайдилар, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли кўпроқ устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари ҳақида сўз юритилади.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини тавсифловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланганлик даражаси;
- б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;
- в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;
- г) меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади. Бунда иқтисодиётнинг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

2. Иқтисодий ўсишнинг омиллари

Иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омилларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳ омиллар **таклиф омиллари** деб ҳам аталиб, иқтисодиётнинг ўсиш лаёқатини белгилаб беради:

- 1) табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати;
- 2) ишчи кучи ресурслари миқдори ва сифати;
- 3) асосий капитал (асосий фондлар) нинг ҳажми;
- 4) технология ва фан-техника тараққиёти.

Бу омиллар ҳар бирининг ялпи маҳсулот ҳажмига таъсирини баҳолаш орқали иқтисодий ўсишни тавсифлаш мумкин.

Маълумки, ялпи ички маҳсулот ишчи кучи, капитал ва табиий ресурслар сарфларининг функцияси ҳисобланади, яъни:

$$Y = f(L, K, N),$$

бу ерда:

- Y – ялпи ички маҳсулот;
- L – ишчи кучи сарфлари;
- K – капитал сарфлари;
- N – табиий ресурслар сарфлари.

Бу функционал боғланишдан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ўсишни белгилаб берувчи бир қатор хусусий кўрсаткичларни келтириб чиқариш мумкин:

- 1) **меҳнат унумдорлиги (Y/L)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг жонли меҳнат сарфларига нисбати;
- 2) **меҳнат сиғими (L/Y)** – жонли меҳнат сарфларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
- 3) **капитал самарадорлиги (Y/K)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг унга сарфланган капитал харажатларига нисбати;
- 4) **капитал сиғими (K/Y)** – капитал харажатларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
- 5) **табиий ресурслар самарадорлиги (Y/N)** – маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўлланилган табиий ресурслар миқдорига нисбати;
- 6) **маҳсулотнинг ресурслар сиғими (N/Y)** – табиий ресурслар сарфининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбати;
- 7) **ишчи кучининг капитал билан қуролланганлик даражаси (K/L)** – ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилаётган капитал ҳажмининг ишчи кучи миқдорига нисбати.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда юқорида кўриб чиқилган кўрсаткичлардан ташқари яна **кейинги қўшилган ишлаб чиқариш омиллари унумдорлиги** кўрсаткичлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичлар, бошқа омиллар сарфи ўзгармагани ҳолда, ҳар бир алоҳида омил сарфининг қўшимча ўсиши таъсирида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг қўшимча ўсиши ҳажмини белгилаб беради:

- 1) кейинги қўшилган меҳнат унумдорлиги ($\Delta Y/\Delta L$);

- 2) кейинги кўшилган капитал унумдорлиги ($\Delta Y/\Delta K$);
- 3) кейинги кўшилган табиий ресурслар унумдорлиги ($\Delta Y/\Delta N$).

Бу кўрсаткичлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ўсишида ҳар бир омилнинг ҳиссасини намоён этиб, у қуйидагича аниқланади:


$$Y = (\Delta Y/\Delta L)L + (\Delta Y/\Delta K)K + (\Delta Y/\Delta N)N.$$

Иқтисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам таъсир қилади. Ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун нафақат ресурслар иқтисодий жараёнга тўлиқ жалб қилинган бўлиши, балки жуда самарали ишлатилиши ҳам зарур. Ресурсларнинг ўсиб боровчи ҳажмидан реал фойдаланиш ва уларни керакли маҳсулотнинг юқори миқдорини оладиган қилиб тақсимлаш ҳам зарур бўлади.

Реал маҳсулот икки асосий усулда кўпайтирилиши мумкин: 1) ресурсларнинг кўпроқ ҳажмини жалб этилиши; 2) улардан анча унумли фойдаланиш йўли билан (17.3-чизма).

17.3-чизма

Реал маҳсулот ўсишини аниқлаб берувчи омиллар



Иқтисодий ҳаётда иқтисодий ўсишнинг суъалтириб турадиган омиллар ҳам мавжуд бўладики, улар меҳнат муҳофазаси, атроф муҳитнинг ифлосланиши каби ҳолатлар натижасида келиб чиқади. Кейинги йилларда республикамизда давлат томонидан атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ходимлар меҳнат шароитини яхшилаш ва соғлиғини муҳофаза қилишни тартибга солишда муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Чунки бундай тадбирларни амалга ошириш тегишли харажатларни тақозо қилади. Шу орқали меҳнат унумдорлигини ошириш учун зарур бўлган маблағлар бошқа томонга жалб қилинади.

Ҳозирда Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш омилларидан имкон қадар самарали фойдаланишга эътибор қаратилган. Айниқса, иқтисодиётда ишчи кучининг самарали бандлигини таъминлаш бу борадаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Ҳар йили иқтисодиётда янги иш ўринлари яратиб борилмоқда. Масалан, 2008 йил мобайнида 661 мингга яқин,

жумладан, кичик бизнес соҳасида – 374 мингта, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида – қарийб 220 мингта, касаначилик ҳисобидан эса – 97 минг 800 та янги иш ўрни яратилди¹. Шунингдек, 2009 йил – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ жойларида 65 мингта янги иш ўринлари билан таъминловчи меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш кўзда тутилган. Жумладан:

- чорвачилик, паррандачилик комплекслари ва иссиқхона хўжалиги (35 минг иш ўрни);

- сут ва гўшти қайта ишлаш соҳаси (8 минг иш ўрни);

- мебель, пойафзал ва тикув цехлари (9 минг иш ўрни);

- озиқ-овқат ва қандолатчилик цехлари (6 минг иш ўрни);

- маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари цехлари (7 минг иш ўрни).

Шунингдек, касаначилик ва халқ ҳунармандчилигини ташкил қилиш орқали 70 мингта, ҳар бир қишлоқ туманида камида 50 та кам таъминланган оилаларни қорамол билан таъминлаш эвазига 7 мингта янги иш ўринлари яратиш белгиланган. Бу ишларни амалга ошириш учун барча молиялаштириш манбаларидан 202,0 млрд. сўм ажратилиши назарда тутилган². Бундай чора-тадбирлар натижасида ишчи кучи бандлиги даражасини ошириш ва таркибини янада такомиллаштириш мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашга замин яратади.

Иқтисодий ўсиш омилларидан техника тараққиётини таъминлаш ҳамда инвестициялар ҳажмини ошириш – мамлакатимиздаги иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишига айланган. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «...жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўтқир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда»³.

Умуман олганда, ҳозирги глобал инқироз шароитида ишлаб чиқаришни модернизациялашга инвестицияларни кўпроқ жалб этиш зарурати куйидагилар орқали изоҳланади:

- 1) инқироз вақтида жаҳон бозорида замонавий асбоб-ускуна ва жиҳозлар арзонлашади. Бундай имкониятдан фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини янгилаш ҳамда унинг асосида рақобатбардош маҳсулотларни яратиш қисқа даврда ушбу сарф-харажатларни қоплаш имконини беради;

- 2) юқори даражада қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни экспортга чиқаришнинг қўшимча имкониятлари вужудга келади;

- 3) техник ва технологик асосни янгилашда вақт жиҳатидан ютиш имкони пайдо бўлади;

¹ Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 25-б.

² Манба: «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури материаллари.

³ Қаралсин: Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 39-б.

4) инвестициялар ички талабни кенгайтириб, қурилиш саноатининг ривожланишини рағбатлантиради;

5) ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси диверсификацияланади.

Шунга кўра, мамлакатимизда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чоралар дастури ишлаб чиқилди. Унда умумий қиймати 42,5 млрд. долл. ҳажмида 852 та лойиҳа, шу жумладан 2009 йилда умумий қиймати 24,4 млрд. долл. ҳажмидаги 590 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳаларни амалга оширишнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- юқори қўшилган қийматга эга бўлган юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар улушини ошириш орқали иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш;

- ресурслар тежамкорлигини таъминловчи, самарали иқтисодиётни шакллантириш;

- иқтисодиётнинг устувор етакчи тармоқларини жадал ривожлантириш;

- маҳаллий хомашё ва материалларни янада чуқурроқ қайта ишлаш ҳамда бутловчи маҳсулотларни яратишга асосланган маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш;

- энергия ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш;

- маҳаллий рақобатбардош маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги мавқеини мустаҳкамлаш¹.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда барқарор ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган омиллардан фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда.

3. Иқтисодий ўсиш моделлари

Иқтисодчи олимларнинг иқтисодий ўсиш суръатларини, омилларини ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башорат қилиш борасидаги тадқиқотлари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келди. Бу моделлар ўз мазмунига кўра бир-бирларидан фарқлансада, уларнинг асосида иккита назария – макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча (кейинчалик неокейнсча) назарияси ҳамда ишлаб чиқаришнинг классик (кейинчалик неоклассик) назарияси ётади.

Иқтисодий ўсишни таҳлил қилишда неоклассик назария намоёндалари бизнингча бир томонлама бўлган қуйидаги нотўғри назарий шартларга асосланадилар:

¹ Саидова Г. Модернизация, техническое обновление и диверсификация производства, широкое внедрение инновационных технологий – необходимое условие выхода Узбекистана на новые рубежи на мировом рынке. // «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материаллари. ТДИУ, 2009 йил 5 май.

1) маҳсулотнинг қиймати барча ишлаб чиқариш омиллари томонидан яратилади;

2) ишлаб чиқариш омилларининг ҳар бири ўзининг кейинги қўшилган маҳсулотига тегишли равишда маҳсулот қийматини яратишга ҳиссасини кўшади. Шунга кўра, бунга жавобан барча кейинги қўшилган маҳсулотга тенг келувчи даромад ҳам олади;

3) маҳсулот ишлаб чиқариш ва бунинг учун зарур бўлган ресурслар ўртасида миқдорий боғлиқлик мавжуд;

4) ишлаб чиқариш омилларининг эркин тарзда амал қилиши ҳамда улар ўртасида ўзаро бир-бирининг ўрнини босиш имконияти мавжуд.

Биз олдинги бобларда айтганимиздек, неоклассик ва бошқа айрим йўналишдаги назарийчилар бу ерда ҳам иккита услубий хатога йўл кўядилар:

1) улар ишлаб чиқариш омилларининг барчаси бир хил қиймат яратади, улар қийматни яратишда барабар иштирок этади, деб ҳисоблайдилар. Холбуки, барча ишлаб чиқариш воситалари ҳеч қандай янги қиймат яратмайдилар, балки ўзларининг қийматларига тенг миқдордаги қийматни жонли меҳнат ёрдамида янги яратилган маҳсулотга ўтказадилар. Лекин барча омиллар яратилган ва ўсган (кўпайган) маҳсулотнинг нафлигини яратишда қатнашадилар;

2) улар доимо барча омиллар ичида жонли меҳнатнинг фаол роль ўйнашини, қолганлари эса пассив роль ўйнашини унутадилар. Чунки ҳеч бир табиий ресурс, капитал ресурслари жонли меҳнат томонидан ҳаракатга келтирилмаса, ўзича ҳаракатга кела олмаслиги, ириб-чириб ўз жойида ҳам жисмонан, ҳам қиймати йўқ бўлиб кетиши, уларнинг қиймати фақат жонли меҳнат томонидан сақлаб қолиниши миллион йиллардан бери миллиард марталаб тасдиқланиб келмоқда. Лекин негадир уларнинг бунга эътибор бергиси келмайди.

Неоклассик модель кўп омилли ҳисобланиб, америкалик иқтисодчи П.Дуглас ва математик Ч.Кобб яратган ишлаб чиқариш функцияси асос қилиб олинган. Кобб-Дуглас моделида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишида ишлаб чиқариш турли омилларининг улушини аниқлашга ҳаракат қилиниб, у қуйидагича ифодаланади:

$$Y = AK^{\alpha}L^{\beta},$$

бу ерда:

Y – ишлаб чиқариш ҳажми;

K – капитал сарфлари;

L – ишчи кучи сарфлари;

A – мутаносиблик коэффициенти;

α ва β - ишлаб чиқариш ҳажмининг ишчи кучи ва капитал сарфлари бўйича эластиклик коэффициенти.

Эластиклик коэффициенти бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши натижасида бошқа бир кўрсаткич миқдорининг ўзгариши даражасини ифодалайди. Шунга кўра, α коэффициенти капитал сарфларининг 1%га

ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини, β коэффициенти эса ишчи кучи сарфларининг 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади. α ва β нинг йиғиндиси ишчи кучи ва капитал сарфларининг бир вақтнинг ўзида 1%га ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмининг неча фоизга ўсишини кўрсатади.

Ч.Кобб ва П.Дуглас ўз тадқиқотларида АҚШ қайта ишлаш саноатининг 1899-1922 йиллар мобайнидаги иш фаолиятини таҳлил қилиб, ишлаб чиқариш функциясининг кўрсаткичларини аниқлашга ҳаракат қилганлар:

$$Y = 1,01 \times K^{0,25} \times L^{0,75} .$$

Бу кўрсаткичлар шуни англатадики, ўша даврда АҚШ қайта ишлаш саноатида капитал сарфларининг 1%га оширилиши ишлаб чиқариш ҳажмини 0,25%га, ишчи кучи сарфларининг 1%га оширилиши эса ишлаб чиқариш ҳажмини 0,75% га ошишига олиб келар экан.

Кейинчалик Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини голланд иқтисодчиси Ян Тинберген янада такомиллаштириб, унга янги омил – техника тараққиёти кўрсаткичини киритди. Натижада ишлаб чиқариш функцияси формуласи қуйидаги кўринишни олди:

$$Y = AK^\alpha L^{1-\alpha} e^{rt} ,$$

бу ерда: e^{rt} – вақт омили.

Ишлаб чиқариш функциясига вақт омилининг киритилиши эндиликда нафақат миқдор, балки «техника тараққиёти» атамаси орқали уйғунлашувчи сифат ўзгаришлари – ишчи кучи малакасининг ўсиши, инновация жараёнларининг кучайиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг такомиллашуви, жамият миқёсида маълумотлилик даражасининг ошиши ва бошқаларни ҳам акс эттириш имконини берди.

Иқтисодий ўсишнинг кейнсча модели макроиқтисодий мувозанатнинг кейнсча назариясини ривожлантириш ва унга танқидий ёндошиш натижасида вужудга келган. Бу моделлар орасида инглиз олими Р.Харрод ва америкалик олим Е.Домарнинг иқтисодий ўсиш моделлари эътиборга молик ҳисобланади. Ҳар иккала моделнинг умумий жиҳатлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар орқали шартланади:

1) улар неоклассик моделлардан фарқли ўлароқ бир омилли модель ҳисобланади. Яъни бу моделларда миллий даромаднинг ўсиши фақат капитал жамғаришнинг функцияси ҳисобланиб, капитал самарадорлигига таъсир кўрсатувчи ишчи кучи бандлигининг ошиши, ФТТ ютуқларидан фойдаланиш даражасининг ўсиши, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг яхшиланиши каби бошқа барча омиллар назардан четда қолдирилади; 2) ишлаб чиқаришнинг капитал сиғими ишлаб чиқариш омиллари нархларининг нисбатига боғлиқ бўлмай, фақат ишлаб чиқаришнинг техник шароитлари орқали аниқланади.

Неокейнсча моделда инвестицияларнинг ўсиши иқтисодий ўсиш ва унинг суръатларини белгиловчи омил ҳисобланиб, у бир томондан, миллий даромаднинг ўсишига имкон яратади, иккинчи томондан эса, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиради. Ўз навбатида даромаднинг ўсиши бандликнинг ошишига имкон яратади. Инвестиция ҳажмининг кўпайиши натижасида

кенгайган ишлаб чиқариш қувватлари даромаднинг ўсиши орқали тўлиқ ишга туширилиши лозим.

Шунга кўра, Е.Домарнинг моделида қуйидаги тенглик орқали мувозанатнинг таъминланиши шарт қилиб қўйилади:

$$\text{Пул даромадининг қўшимча ўсиши (талаб)} = \text{Ишлаб чиқариш қувватларининг қўшимча ўсиши (таклиф)}$$

Бу тенгликни формула тарзида ёзилса, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta I \times \frac{1}{a} = I \times \sigma \quad \text{ёки} \quad \frac{\Delta I}{I} = \sigma \times a,$$

бу ерда:

I – ҳар йиллик соф капитал қўйилмалар;

ΔI – соф капитал қўйилмаларнинг қўшимча ўсиши;

$\Delta I/I$ – соф капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати;

$1/a$ – мультипликатор, бу ерда a – жамғаришга бўлган ўртача мойиллик;

σ – капитал самарадорлиги.

Шундай қилиб, иқтисодиётдаги ишчи кучининг тўла бандлигини ҳамда ишлаб чиқариш қувватларининг тўлиқ ишлашини таъминловчи соф инвестициялар ёки капитал қўйилмаларнинг ўсиш суръати $\sigma \times a$ га тенг бўлиши лозим. Агар иқтисодиётдаги инвестицияларнинг потенциал ўртача самарадорлиги 0,3 га, жамғаришга бўлган ўртача мойиллик 0,2 га тенг бўлса, у ҳолда инвестицияларнинг ўсиш суръати 6% ($0,3 \times 0,2 \times 100\%$) га тенг бўлади.

Р.Харроднинг иқтисодий ўсиш модели инвестиция ва жамғармалар ўртасидаги макроиқтисодий мувозанат, яъни $I = S$ га асосланади. У статик ҳолдаги макромувозанат учун алоҳида, динамик ҳолдаги макромувозанат учун алоҳида формуладан фойдаланади. 1-формула қуйидаги кўринишда бўлади:

$$G \times C = S,$$

бу ерда:

G – миллий даромаднинг ўсиш суръати ($\Delta Y/Y$);

C – капитал сифими ($I/\Delta Y$);

S – миллий даромад таркибидаги жамғаришнинг улуши (S/Y).

2-формула қуйидаги кўринишда ўз ифодасини топади:

$$Gw \times Cr = S,$$

бу ерда:

Gw – ҳақиқий жамғарма ва тахмин қилинаётган инвестициялар ўртасидаги динамик мувозанатни таъминловчи ўсишнинг кафолатланган суръати;

Cr – капитал коэффициентининг талаб этилаётган миқдори.

Неокейнсчиларнинг фикрига кўра бозор иқтисодиёти шароитида доимий кафолатланган ўсиш суръатига автоматик равишда эришиб бўлмаслиги

сабабли, улар динамик мувозанатга эришиш учун иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш зарурлиги тўғрисидаги хулосага келдилар.

Иқтисодий ўсишнинг муҳим моделларидан бири бўлиб **тармоқлараро баланс** ҳисобланади. Тармоқлараро баланснинг дастлабки назарий асослари собиқ иттифоқ даврида ишлаб чиқилган эди. Кейинчалик у асли Россиялик бўлган ҳамда АҚШга ўтиб кетган иқтисодчи В.Леонтьев томонидан «**харажатлар – натижалар**» модели сифатида такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди (17.3-чизма).

В.Леонтьев иқтисодий таҳлилнинг «харажатлар – ишлаб чиқариш» усулида энг аввало эътиборни иқтисодиётдаги миқдорий алоқаларга қаратади. Тармоқлар ўртасидаги бу алоқалар технологик коэффициентлар (I квадрантдаги a_{11} , a_{12} , a_{13} ва ҳ.к. белгилар) орқали ўрнатилади.

Тармоқлараро баланс жадвали тўртта квадрантдан иборат. Биринчи квадрантга маҳсулот ишлаб чиқаришга моддий сарфлар кўрсаткичлари жойлаштирилган. Иккинчи квадрантга шахсий истеъмол, жамғариш, давлат хариди ва экспорт сифатида фойдаланилувчи пировард маҳсулот кўрсаткичлари жойлаштирилган. Учинчи квадрантдан қўшилган қиймат (иш ҳақи, фойда, солиқлар) ва импорт кўрсаткичлари ўрин олган. Тўртинчи квадрантда соф миллий маҳсулотни қайта тақсимлаш кўрсаткичлари жойлашган. Тармоқлараро алоқалар жадвали устунлари бўйлаб харажатларни, яъни ҳар бир тармоқ бўйича маҳсулот қийматини ташкил этувчи унсурларни, сатрлар бўйича эса – миллий иқтисодиёт ҳар бир тармоғи маҳсулотини тақсимлаш таркибий тузилмасини акс эттиради.

Тармоқлараро баланс моделида бир тармоқдаги пировард талаб ёки ишлаб чиқариш шароитидаги ўзгаришлар бошқа барча ўзаро боғлиқ тармоқларнинг миқдорий таъсирини кузатиш орқали ўрганилади. Бу эса қандайдир товарга бўлган эҳтиёжлар ёки уни ишлаб чиқариш технологиясидаги ҳар қандай ўзгаришлар мувозанатлашган нархлар таркибини ўзгартириб, технологик коэффициентларнинг ҳам ўзгаришига олиб келишини англатади.

Тармоқлараро баланс чизмаси

		И Ш Л А Б Ч И Қ А Р И Ш										Жами: фойда- ланиш бўйича ЯИМ	
		истеъмолчи тармоқлар			n	пировард истеъмол							
ХАРАЖАТЛАР	Ишлаб чиқаруви тармоқлар 3 2 1 n	a ₁₁	a ₁₂	a ₁₃		a _{1n}	C ₁		I ₁	G ₁	X ₁	Y ₁	
		a ₂₁	a ₂₂	a ₂₃		a _{2n}	C ₂		I ₂	G ₂	X ₂	Y ₂	
		a ₃₁	a ₃₂	a ₃₃		a _{3n}							
		a _{n1}	a _{n2}	a _{n3}		a _{nn}	C _n		I _n	G _n	X _n	Y _n	
	Қўшилган қиймат	W ₁	W ₂			W _n							
		P ₁	P ₂			P _n							
	Импорт	M ₁	M ₂			M _n							
	Жами: харажатлар бўйича ЯИМ	Y ₁	Y ₂			Y _n							
												II + I	
												I + III	

II квадрантда – C – (шахсий истеъмол); I – (инвестициялар); G – (давлат хариди); X (экспорт).

III квадрантда – W – иш ҳақи;

P – фойда;

M – импорт.

«Харажатлар – натижалар» тармоқлараро баланси усули нафақат иқтисодиёт турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни ўрганишга, балки мамлакат иқтисодиётининг ривожланишини, унинг тармоқлар тузилмасининг ўзгариши ва иқтисодий ўсиш суръатларини башоратлашга имкон яратади.

Иқтисодий ўсиш моделлари тўғрисида сўз юритилганда «ноль даражадаги иқтисодий ўсиш» концепциясига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур концепцияга XX асрнинг 70-йилларида асос солинган. Бу концепция тарафдорларининг фикрича техника тараққиёти ва иқтисодий ўсиш атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиатга заҳарли моддаларнинг чиқарилиши, шаҳар қиёфасининг ёмонлашуви ва бошқа шу каби кўплаб

салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Аҳоли сонининг тезлик билан кўпайиб бориши, ишлаб чиқариш микёсларининг кенгайиши натижасида ишлаб чиқариш, айниқса табиий ресурсларнинг камайиб бориши пировардида иқтисодий ўсиш чегараларини чеклаб қўяди. Бунинг оқибатида очарчилик, атроф-муҳитнинг бузилиши, ресурсларнинг тугаши рўй бериб, тез орада аҳоли сони ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми кескин қисқара бошлайди. Шунга кўра, «ноль даражадаги иқтисодий ўсиш» концепцияси тарафдорлари иқтисодий ўсишни мақсадга мувофиқ равишда маълум чегарада ушлаб туриш зарур, деб ҳисоблайдилар. Улар иқтисодий ўсиш товар ва хизматлар ҳажмининг кўпайишини таъминлашини тан олсаларда, бу ўсиш бир вақтнинг ўзида турмуш даражасининг юқори сифатини таъминлай олмаслигини таъкидлайдилар.

Ўз навбатида, мазкур концепция муҳолифлари иқтисодий ўсишнинг юқори даражасини ёқлаб, унинг ўзи чексиз эҳтиёжлар ва чекланган ресурслар ўртасидаги зиддиятни юмшатишини, айнан юқори даражадаги ўсиш шароитида жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш имконияти вужудга келишини кўрсатадилар. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши эса иқтисодий ўсиш оқибати бўлмай, у табиий ресурслардан фойдаланишдаги нарх шаклланиш тизимининг нотўғрилигидан келиб чиқади. Шунга кўра, мазкур муаммоларни ҳал этиш учун табиий ресурслардан фойдаланишда қонуний чекловлар ёки махсус солиқларни киритиш, ифлослантириш ҳуқуқи бозорини шакллантириш лозимлигини таъкидлайдилар.

4. Миллий бойлик тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши

Миллий бойлик инсоният жамияти тараққиёти давомида аجدодлар томонидан яратилган ва авлодлар томонидан жамғарилган моддий, номоддий ва интеллектуал ҳамда табиий бойликлардан иборатдир.

Миллий бойликни шартли равишда қуйидаги учта йирик таркибий қисмларга ажратиш мумкин:

1. Моддий-буюмлашган бойлик.
2. Номоддий бойлик.
3. Табиий бойлик.

Моддий-буюмлашган бойлик охир-оқибатда ишлаб чиқаришнинг, унумли меҳнатнинг натижаси ҳисобланади. У ишлаб чиқариш яратилганда маҳсулотларнинг жорий истеъмол қилишдан ортиқча қисмини жамғариш оқибатида вужудга келади ва ўсиб боради.

Аммо моддий-буюмлашган бойликни қатор йиллардаги йиллик ялпи маҳсулотлар йиғиндиси сифатида тасаввур қилиш нотўғри бўлар эди. Чунки бу бойликнинг бир қисми ҳар йили ишдан чиқариб, қайтадан янгилашиб туради (ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари). Шу сабабли ишлаб чиқариш воситаларининг ўрнини қоплаш билан бир вақтда ялпи ички маҳсулотнинг фақат бир қисми моддий-буюмлашган бойлик сифатида

жамғарилиб борилади. Демак, қоплаш фонди ва моддий буюмлашган бойликнинг ўсиши ялпи ички маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Миллий бойликнинг инсон меҳнати билан яратилган моддий қисми қиймат шаклига эга бўлиб, таркибий тузилиши бўйича қўйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар);
- ноишлаб чиқариш хусусиятидаги асосий капитал (фондлар);
- айланма капитал (фондлар);
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган қисми;
- моддий заҳиралар ва эҳтиёжлар;
- аҳолининг уй хўжалигида жамғарилган мол-мулк.

Моддий-буюмлашган бойлик ўсишининг асосий омиллари сифатида қўйидагиларни ажратиш мумкин:

- меҳнат унумдорлигининг ўсиши;
- ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши;
- миллий даромадда жамғариш нормасининг ортиши.

Моддий-буюмлашган бойлик ишлаб чиқаришнинг натижаси ва шарт-шароити ҳисобланади. Бунинг маъноси шуки, бир томондан маҳсулотдан миллий бойлик томон ҳаракатда бойликнинг истеъмол қилинган қисмининг қопланиши ва унинг кўпайиши рўй беради. Бошқа томондан миллий бойлик ишлаб чиқаришнинг моддий шарт-шароити, унинг моддий-техникавий асоси ҳисобланади. Бунда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ва миқёси миллий бойликдан фойдаланиш хусусиятига боғлиқ бўлади.

Миллий бойликнинг бошқа қисми табиий бойликлар ишлаб чиқаришнинг омили бўлиб иштирок этади, унинг шарт-шароитини ва инсон фаолиятининг ташқи муҳитини ташкил қилади. Табиий бойликнинг асоси табиат маҳсули бўлиб, унинг вужудга келиши табиат қонунлари асосида рўй беради, улардан фойдаланиш жамият ривожига ҳам боғлиқ бўлади. Фойдали қазилма бойликлар, ўрмонлар, сув ва ер ресурслари табиатан мавжуд бўлсада, ишлаб чиқаришда фаол қатнашади.

Табиат инъомлари ўзларининг дастлабки кўринишида табиий бойлик бўлиб, шу ҳолатида инсон фаолиятининг натижаси ҳисобланган ижтимоий бойлик таркибига кирмайди. Бунинг маъноси шуки, табиий бойликлар жамият учун фақатгина потенциал бойлик ҳисобланади. Улар инсон меҳнатининг таъсири оқибатида реал бойликка айланади.

Миллий бойлик нафақат моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилади. Унинг бир қисми номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида вужудга келтирилади ва жамиятнинг номоддий бойлиги ҳисобланади. Номоддий соҳаларда ашёвий-буюм шакл билан боғлиқ бўлмаган алоҳида турдаги истеъмол қийматлар ҳосил қилинади. Улар ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг фаолият қилиши ва ривожланиши учун, шунингдек бевосита аҳолининг турмуш даражасини таъминлаш ва ошириб бориш учун зарур бўлади. Бундай бойликларга таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, санъат, спорт соҳаларида вужудга келтириладиган номоддий қимматликлар

киради. Унинг таркибида тарихий ёдгорликлар, архитектура обидалари, ноёб адабиёт ва санъат асарлари алоҳида ўрин тутди.

Жамиятнинг номоддий бойликларида маданият ва санъатнинг ривожланиш даражаси, жамият аъзоларининг тўплаган илмий билимлари ва интеллектуал даражаси, ишловчиларнинг ихтисослиги ва малакавий билим даражаси, соғлиқни сақлаш, таълим ва спортнинг ривожланиш даражаси ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, миллий бойлик моддий буюмлашган ва табиий бойликлардан анча кенг тушунча бўлиб, ўз таркибига жамиятнинг номоддий тавсифдаги қимматликларини ҳам олади.

5. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш омиллари ва натижалари

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган ислохотлар орқали иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари ўртасидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилиб, ривожлантирилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминланиш мақсадида қуйидаги жараёнларнинг амалга оширилишига катта эътибор қаратилди:

- кенг қўламдаги тизимли бозор ислохотларини изчил амалга ошириш;
- хорижий инвестицияларни жалб қилиш чора-тадбирларини кучайтириш;
- иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш;
- экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва корхоналарни барпо этиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш.

Мамлакатимизда ЯИМнинг нафақат миқдоран ўсиб бориши, балки унинг таркибий тузилмасининг сифат жиҳатидан такомиллашиб бориши ҳам алоҳида эътиборга молик. Бунга унинг ўсишига таъсир кўрсатган омиллар таҳлили, яъни қўшилган улушларнинг таркиби ҳамда ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир (17.2-жадвал).

Жадвалдан кўринадики, 2008 йилдаги ЯИМнинг таркибида қўшилган улуши жиҳатидан хизмат кўрсатиш соҳалари (30,1%), транспорт ва алоқа (18,0%), саноат (17,0%), қишлоқ хўжалиги (11,9%), савдо (8,4%) тармоқлари етакчи ўрин тутмоқда. Шунга кўра, уларнинг ЯИМнинг ўсишига қўшган ҳиссаси ҳам тегишли равишда 2,7; 1,6; 1,5; 1,1; 0,8 фоизни ташкил этган.

17.2-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига таъсир кўрсатган омиллар таҳлили


Тармоқлар	Қўшилган улушлар таркиби, %		ЯИМ нинг ўсишига қўшган ҳиссаси, %	
	2007 йил	2008 йил	2007 йил	2008 йил
Ялпи ички маҳсулот	100,0	100,0	9,5	9,0
Саноат	16,4	17,0	1,6	1,5
Қишлоқ хўжалиги	14,7	11,9	1,4	1,1
Курилиш	7,3	5,9	0,7	0,5
Транспорт ва алоқа	17,9	18,0	1,6	1,6
Савдо ва умумий овқатланиш	18,4	8,4	1,8	0,8
Бошқа хизмат кўрсатиш соҳалари	17,5	30,1	1,7	2,7
Соф солиқлар	7,9	8,7	0,7	0,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикаимиз мустақилликка эришган дастлабки палладанок Президентимиз мамлакатимиз иқтисодиётини бир томонлама, аграр соҳа устун аҳамият касб этувчи ривожланишдан воз кечиб, ҳар томонлама жаҳон ва мамлакат ички эҳтиёжларини ҳисобга олувчи, замонавий тармоқ ва соҳалардан иборат бўлган иқтисодиётга айлантириш вазифасини қўйган эди. Ана шу мақсадларга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ҳамда модернизациялаш жараёнлари натижасида ўтган йилда ҳам саноат, курилиш, коммуникация ва хизматлар соҳаси тез суръатлар билан ривожланди. Агар 2001-2008 йиллардаги ЯИМнинг ўсиш суръатларини таҳлил қилинса, бунда саноат ишлаб чиқаришининг жадал равишда ўсиши ҳам аҳамиятли ҳисса кўшаётганлигини кузатиш мумкин (17.5-чизма).

17.5-чизма

2001-2008 йилларда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатлари
(2000 й. = 100%)



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Чизмадан кўринадики, 2000-2007 йиллар мобайнида саноат яхлит ҳолда олинган республика иқтисодиётига қараганда юқорироқ суръатларда ўсмоқда. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2000 йилга нисбатан 2007 йилда деярли 1,7 баравар ўсган бўлса, бу даврда саноат ишлаб чиқариши 2 баравардан кўпроқ ўсган.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган ютуқларга ўз-ўзича, осонлик билан эришилаётгани йўқ. Мазкур рақамлар остида юртимиз раҳбари томонидан ҳар томонлама ўйлаб, оқилона тарзда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, бунёдкор халқимизнинг фидокорона ва жасорат билан қилаётган меҳнатлари ётади. Бундай натижаларни қўлга киритиш шунчаки осон эмаслиги ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1991 йилдаги даражасига эришиш Ўзбекистонда 2001 йилдаёқ таъминлангани ҳолда, МДХ мамлакатларининг ярмидан кўпроқ қисмида ҳали-ҳануз таъминланмаганлиги орқали ҳам яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам, муҳтарам Президентимизнинг ўз маърузасида «ўтган йилда эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантиқий натижаси, иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди»¹, деб таъкидлаши бежиз эмас.

Шуниси диққатга сазоворки, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ҳисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хомашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

¹ Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 13 февраль.